
Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
Союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

48-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1980 10

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

А. Орипов. Ҳаким ва ажал. Достон 3

ЯНГИ ҲИКОЯЛАР

Ф. Мусажонов. Кулгини севадиган одам. Ҳажвия . 17
Ҳ. Убаев. Дадажон, сизга ишонаман 20
З. Туманова. Хирмон фасли. Минг иккинчи кеча. . . 23
Ч. Бойбўсинов. Мактуб. Эзгулик. 33
С. Сиёев. Оғир вазнли жанжалкаш. 37

ШЕЪРЛАР

А. Йўлдошев. Юрагимда севги лиммо-лим. . . . 49
К. Тошманбетова. Йўл бошидаги ўйлар. 50
Н. Баракаев. Яйловда. 53
А. Убайдулла. Бир дарахтнинг икки шохи. 54
Холис. Ватанимда. 55
Д. Матчон. Тўлқин бўлиб жўшгим бор. 57

О. Мухторов. Учқур поездлар. Қисса. 58

М. Али. Боқий дунё. Шеърий роман. 92

Н. Сафаров. Момакалдироқ. Роман. Давоми. . . 106

Ҳ. Саъдулла. Қурбонлар. Достон. 154

Назармат. Генерал Норхўжаевнинг хотиралари. . . . 169

КПСС XXVI ВА ЎзКП XX СЪЕЗДЛАРИ ОЛДИДАН

А. Қуронбоев. Сув достони. Очерк. 171

Ж. ЖАББОРОВ 50 ЁШДА

М. Сафаров. Гўзаллик куйчиси. 190
А. Орипов. Олижаноб туйғулар шоири. 195

СЪЕЗД ОЛДИ ГУРУНГИ

Ҳ. Ғулом. Ижод — олий мақсадга интилиш. . . . 196
У. Норматов. Ютуқлар, орзулар, таклифлар. . . . 198
Г. Нуруллаева. Шеърият ҳақида ўйлаяпман. . . . 200
П. Шермуҳамедов. Етмишинчи йилларни кузата туриб. . 202
С. Мирзаев. Насримизнинг баланд парвози. . . . 203
Т. Сулаймон. Халқимизнинг кайнар булоқлари. . . 205
Н. Худойберганов. Ўсиш, ўзгариш уфқлари. . . . 208

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 540 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

О. Абдуллаев. Ижод оламининг сеҳри. 211

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

О. Тоғаев. Ижодда давр садоси. 218
Р. Иноғомов. Русгавелидан илҳом олиб. 222
Ф. Сулаймонова. Ўрта Осиё қадимий юнон адабиётида . 226

ТАҚРИЗЛАР

Э. Бобоев. Муҳаммад Иқбол Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири 232
М. Назаров. Табаррук меросни ардоқлаб. 234
М. Мадраҳимова. Бахшининг ижод йўли. 237
М. Мирражабов. Тиниқ туйғулар. 238

www.ziyouz.com kutubxonasi

Умарали Норматов

ЮТУҚЛАР, ОРЗУЛАР, ТАКЛИФЛАР

Ўтган беш йил давомида деярли ҳамма жанрларда кўз-кўз қилса, фахрланса арзийдиган асарлар яратилди. Ҳамид Ғуломнинг шу муддат ичида пайдо бўлган «Мангулик», Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Асқад Мухторнинг «Бухоронинг жин кўчалари», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» каби асарлари, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаровларнинг айрим ҳикоялари, Миртемирнинг «Ёдгорлик» Шукруллонинг «Суянчиқ» тўпламлари, Зулфия билан Асқад Мухторнинг янги туркум шеърлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжоновларнинг янги шеърий китоблари, «Руҳлар исёни», «Жаннатга йўл», «Ҳаққуш қичқириғи» достонлари ўзбек адабиётини бир даража юқори кўтарган, олға силжитган асарлардандир. Комил Яшин, Воҳид Зоҳидовларнинг Москвада чоп этилган китоблари, Иззат Султон, Лазиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафуддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Пирмат Шермуҳамедов, Иброҳим Ғафуровларнинг тўплам ва мақолалари туфайли танқидчилигимизнинг обрў-эътибори янада ортди, бир қатор янги номлар кўринди, шулардан айниқса прозада Нурали Қобил билан Алишер Ибодинов, поэзияда Усмон Азимов, драматургияда Абдуқаҳҳор Иброҳимов, танқидчиликда Муҳаммадали Қўшмоқов ва Ортиқбой Абдуллаевларнинг истиқболига умид катта.

Адабиётимизда реалистик тасвир принципларининг чуқурлашиб, ифода воситаларининг тобора бойиб бораётганлиги ҳам қувончли ҳодиса. Икки ҳолат алоҳида диққатга молик: шахсга универсал тарзда, хилма-хил томондан ёндашиш, ҳаётни мураккаблиги, зиддиятлари билан кўрсатиш етакчи тенденцияга айланиб қолаётир; реалистик тасвир классик адабиёт, фольклор бисоти ва энг янги илғор адабий тажрибалар ҳисобига ранг-баранглик касб этаётир...

Адабиётимизнинг бугунги ҳолати, даражаси унинг эртасига зўр умид билан қараш, унинг олдига улкан талаблар қўйиш, орзулар қилиш ҳуқуқини беради.

Шахсан мен яқин келажакда адабиётимизда аввало инсон шахсини кутилмаган томонлардан очадиган, қалб бойлигини чуқур кўрсатадиган, худди шу жиҳатлари билан кишини ҳайратга соладиган, ақлини шошириб қўядиган, ҳеч қанақа қолипларга сиғмайдиган, чуқур маънодор, ўта ҳаётий, табиий, ўзбекнинг бугунги камолотини, бор бисотини ўзида мужассам этадиган давр типи бўлмиш қаҳрамонларни кўришни истайман.

Ўзбек халқи ниҳоятда қувноқ, кулгисевар, ҳазилга, юморга ташна халқ. Унинг табиатидаги шу хислат ҳали адабиётда ўз аксини тўла топган эмас. Миллий адабиётимизни, санъатимизни шу жиҳатдан, чунончи, грузин адабиёти, санъати билан қиёс қилганда бу нарса аниқ сезилади. Грузин адабиёти, киноси, жумладан, ўзининг ҳаётбахш, халқчил юмори билан ўзга халқлар қалбига йўл топаётганлиги кўпчиликка маълум. Биздаги айрим асарлар — «Келинлар қўзғолони» комедияси, Худойберди Тўхтабоев романларининг муваффақият сири, бир чеккаси, ўзбек халқи табиатидаги қувноқликни кашф этишга бўлган интилишда деб биламан. Шу йўналиш улкан адабий ҳодисага айланиб, ўзбек адабиётининг миллий ўзига хослигини белгилайдиган хусусиятлардан бири бўлиб қолишини истар эдим.

Яқинда мен Германия Демократик Республикасидан келган бир ёш адабиётшунос билан суҳбатда бўлдим. У ўзбек тилини яхши билади, асарларимизни оригиналда бемалол ўқиб, фикр юрита олади, бугунги ўзбек шеърияти бўйича илмий иш олиб боряпти. Биз ғарб ва шарқ шеърияти ҳақида кўп гаплашдик. У ғарб шеърияти ҳозирги кунда ўзининг аввалги шуҳратини бой бериб кўяётганлигидан нолиб гапирди. Унингча, ғарбда шеърият шаклий янгиликларга ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб кетиб, бой анъаналардан узоқлашиб, бир қадар оммадан ажралиб қолмоқда; оқибат натижада шаклий жиҳатдан ҳам қашшоқлашиб кетмоқда. «Қаёққа қараманг, ҳамма ерда оқ шеър — верлибрни кўрасиз. Сизларда ўзгача: энг янги шеърий шакллар — верлибр, сарбаст, оқ шеър, эркин вазннинг кўп хилма-хил кўринишлари ҳам бор, классик адабиёт, халқ оғзаки ижоди шеърий шакллари — барча-барчаси амалда; шеърият бўстони шу ранг-баранглиги билан гўзал, нурафшон... Буни асраш, ардоқлаш керак. Ёшларни барча шеърий шаклларга муҳаббат,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳурмат руҳида тарбиялаш лозим»,— дейди у. «Мен суҳбатда бўлган айрим ёшларда,— дея давом этди суҳбатдошим ҳазил-мутойиба билан,— сарбастга мойиллик кучли, улар аруз ва бармоққа бир оз менсимай, ишончсизлик билан қарайдилар. Бунинг олдини олиш керак, токи ғарб шеъриятининг куни сизларнинг ҳам бошингизга тушмасин».

Четдан қараган кишига кўпинча ҳодисалар манзараси аниқроқ кўринади. Дарҳақиқат, меҳмонимизнинг сўзларида, ташвишларида жон бор. Шеъриятимиздаги янги шаклий изланишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда бой анъаналаримизни асраш, авайлаш, ҳали очилмаган имкониятларини ишга солиш устида жиддийроқ бош қотиришимиз керакка ўхшайди. Адабиётдаги янгилик бошда бир оз эриш туюлса-да, пировардида ҳаётда ўзига йўл тополган, бора-бора кўпчиликка маъқул тушган тақдирдагина ўзини оқлайди. Очиғи, шеъриятимиздаги ҳозирги шаклий изланишлар ҳали ўзига тўла равишда йўл топиб олган, оммага маъқул, тўлақонли миллий анъана тусига кирган эмас; бу хил изланишларни чинакам халқчил шаклга етказиш ҳамон бир орзу бўлиб турибди.

Яна бир ташвишли ҳолат бор. Кўп йиллардан бери интеллектуал шеърият ёки шеъриятда интеллектуализмнинг чуқурлашуви ҳақида гапирамиз, ёзамиз. Бу тенденцияни ҳадеб ёқлайвериш оқибати бўлса керак, кўпчилик шоирлар, хусусан, ёшлар ўзларини мажбуран ақлли ёки ақлли гап айтаётгандай қилиб кўрсатишга интиладиган бўлиб бораётир. Натижада шеъриятда сунъий интеллектуаллик, сунъий интеллектуализм пайдо бўлиб қолаётир. Шеър — қалб сўзи, қалб сўзи эса фақат табиий, самимий бўлгандагина қалбларга йўл олади. Шеъриятимизда ақл — ҳис табиийликни олий даражада уйғунликда кўриш ҳаммамизнинг тилагимиздир.

Танқидчиларимизнинг марказда — Иттифоқ минбарларида тез-тез кўринаётганлиги қувончли ҳодиса. Бироқ бугунги кунда шунчаки кўринишнинг ўзи етарли эмас. Эндиликда Иттифоқ илмий адабий жамоатчилиги эътиборини тортадиган, уларни ҳар жиҳатдан қойил қолдирадиган, умумий илмий тафаккурга таъсир кўрсатадиган янги концепциялар билан чиқиш пайти келди.

Бир вақтлар вақтли матбуот — газета ва журнал танқидчиликнинг асосий минбари саналарди. Бугунги кунда унинг ёнига миллионлаб тингловчи-томошабинга эга радио ва телевидение қўшилди. Радио ва телевидение кенг жамоатчилик билан ижодий мулоқот қилиш, сўз санъати ҳақидаги ҳақиқатни миллионларга етказиш бобида ғоят катта қулайлик, имкониятларга эга. Биргина мисол. Ҳамза таваллудининг 90 йиллиги нишонланаётган кунларда Бутуниттифоқ радиоси Ҳамза ҳақида эшиттириш уюштирди. Орадан кўп ўтмай эшиттириш иштирокчилари номига миннатдорчилик тўла мактублар оқими ёғила бошлади.

«Салом, ўртоқ Зоҳидов!

Мен Сизнинг иштирокингизда Ҳамза ҳақида берилган эшиттиришни тингладим. Раҳмат. Мен Ҳамза ҳақида аввал ҳам эшитган, асарларини рус тилида ўқиган эдим. Ҳамзани яхши адиб ва инсон сифатида билардим. Шунга қарамай, бу эшиттириш, хусусан Сизнинг сўзларингиз мени ларзага солди; ўзбек халқи шундай аломат инқилобчи адиби борлигидан фахрланса арзийди...»

Ленинградлик пенсионер Людмила Петровна Новикова деган аёл мактубида ана шундай дил сўзлари битилган.

Бу хил мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қани энди, Иттифоқ радиоси, телевидениеси орқали ўзбек адабиёти ҳақида ўзбек танқидчилари иштирокида шундай суҳбатлар мунтазам равишда ўтказиб турилса. Останкинодаги концерт залидан уюштирилаётган адабий учрашувларда ўзбек адибларининг ҳам овози янграса...

Танқидчилигимизнинг, адабиётшунослигимизнинг мавзу доираси кенгайиб бораётир. Лекин, шундай бўлса-да, ҳали унда очилмаган қўриқлар беҳисоб. Жуда кўп, баъзан аҳамиятсизроқ масалалар устида тортишамиз, баҳслашамиз, лекин, масалан, адабиётимизнинг халқчиллиги, гуманизм ҳақида — сўз санъатининг ҳаёт-мамотини белгилайдиган шу каби ўзак масалалар ҳақида сўнгги йилларда бирор жиддий гап айтилганини билмайман. Келаси беш йилликда адабиётимизнинг халқчиллиги, гуманизми ҳақида йирик тадқиқотлар яратилишини орзу қиламан.

www.ziyouz.com kutubxonasi